
Кандабулоқ маҳалласининг ички кўчалари асфальтлаштирилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли муаммоларини тизимли ҳал этиш мақсадида ҳудудларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида аҳолини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган ва бугунги кунда ўз ечимини кутаётган муаммолар ижобий ҳал этилмоқда.

Мамлакатимизда бу борада қабул қилинаётган қарор ва дастурлар ушбу муаммоларни ҳал этишда катта бир туртки бўлмоқда.

Ана шундай муаммолардан бири тумандаги Кандабулоқ маҳалласининг аҳолисини ҳам ўйлантириб келар эди. Сабаби ички йўлларнинг таъмирталаблиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида ички кўчалар асфальтлаштирилди.

2023-05-29 20:55:46